



ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ ШАКИЛЛАНИШИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ТАН ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Обидов Рахмонали Расулович,

PhD, доцент, Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

Email: mars.or@mail.ru, ORCID: 0000-0001-9624-4023

FORMATION OF INCOME AND EXPENSES IN ECONOMIC ENTITIES AND IMPROVEMENT OF REFLECTION IN ACCOUNTING

Obidov Rakhmanali Rasulovich,

PhD, Associate Professor, Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan

Email: mars.or@mail.ru, ORCID: 0000-0001-9624-4023

JEL Classification: M1, M4, M41

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларда даромадлар ва харажатларни шаклланиши ва уларни бухгалтерия ҳисобида тан олишни такомиллаштириши ҳамда хорижий мамлакатларда ҳисоб юритиши тартиблари келтириб ўтилган. Шу билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолият билан боғлиқ ҳолда оператив тарзда даромадни ҳисоблаш ва харажатларни назорат қилиб бориш муаммолари ёритиб берилган. Хўжалик юритувчи субъектларда маржинал даромадни аниқлаш таклиф ва молиявий натижаларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида "Фойда ва зарарлар тўғрисида"ги ҳисобот кўринишида шакллантириши зарурлиги асосланган.

Хўжалик юритувчи субъектларда тайёр ҳамда ярим тайёр маҳсулотларни сотишдан соф тушумларни алоҳида ишчи счётларида ҳисобга олиш орқали маҳсулотларни сотишдан соф тушумлар тўғрисида жорий ва жамланма бухгалтерия ахборотларини

шакллантириши йўлга қўйилди. Сотилган маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархини алоҳида ишчи счётларида ҳисобга олиш йўлга қўйилган ҳолда сотилган маҳсулотларнинг таннархи тўғрисида аналитик бухгалтерия ахборотларини шакллантириши, сотилган маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиб бориш имконияти яратилган. Маржинал даромадни аниқлаш жорий этилиши орқали асосий фаолият билан боғлиқ ҳолда маҳсулотлар ҳажмини бошқариб бориш, оператив даромадларни ҳисоблаш ва ишлаб чиқариши билан боғлиқ ўзгарувчан харажатларни назорат қилиш имконияти ёритиб берилган.

Abstract. In this article, the formation of incomes and expenses in business entities in our country and improvement of their recognition in accounting, as well as accounting procedures in foreign countries, are mentioned. At the same time, the problems of operatively calculating income and controlling expenses in connection with the main activity of economic entities are highlighted. Determination of marginal

income in economic entities is based on the need to formulate the proposal and financial results in the form of a "Profit and Loss" report based on international standards of financial reporting.

Formation of current and aggregated accounting information on net receipts from the sale of products by recording the net receipts from the sale of finished and semi-finished products in separate working accounts in economic entities was launched. It is possible to create analytical accounting information about the cost of sold products and analyze the cost of sold products by considering the cost of sold products and semi-finished products in separate working accounts. Through the introduction of the determination of marginal revenue, the possibility of managing the volume of products related to the main activity, calculating operating income and controlling variable costs related to production has been highlighted.

Калит сўзлар: даромад, харажат, фойда, зарар, молиявий натижалар

Keywords: income, cost, profit, loss, financial results

Кириш. Жаҳон амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий мақсади ижобий молиявий натижага эришиш, яъни максимал даражада фойда олишдир. Шу ҳолат компанияларда молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотларни олиш ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб берган. Бу шундан далолат берадики, халқаро бозорга чиқиш хорижий ҳамкорларнинг молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботи хусусиятларини аниқлаш, уларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашни тақозо этади. Шунинг учун, айти пайтда бутун дунё

миқёсида молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки, жаҳоннинг кўпгина давлатлари фонд биржаларида акциялари жойлаштирилган компаниялардан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузишнинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда даромад ва харажатларни тан олиш, турли баланс назарияларида молиявий натижаларни шакллантириш, бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни турли концепциялар бўйича акс эттириш, молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш масалалари ўз ечимини топган. Эътироф этиш жоизки, тадқиқотлар йўналишида айти пайтда даромад ва харажатларни таснифлаш, япти даромад тўғрисида ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш, молиявий натижалар юзасидан ҳисоб ахборотларининг ишончлилигини ошириш, рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашга эришилган. Лекин, молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини таъминлаш, молиявий натижалар кўрсаткичларини халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларнинг

ишончилигини тасдиқлаш муҳим ҳисобланади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Иқтисодий тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» [4] қаторига кириш учун замин яратиш»² мақсадининг қўйилиши ҳам ташкилотларда даромадлар ҳисобини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботида оид муаммоларни бартараф этиш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни халқаро стандартлар талаблари даражасида шакллантиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид яна бир

қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Материал ва метод. Молиявий ҳисобот элементларидан ҳисобланган даромад ва харажатларни ҳисоботларда тўғри акс эттириш ёки уларни тан олиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар даромади ва харажатларини ҳисобга олиш амалиётини кўриб чиқишдан олдин даромад ва харажатлар тушунчаларини таҳлил қилиб чиқиш лозим деб ўйлаймиз. Иқтисодий адабиётларда даромад ва харажат тушунчалари турли хил талқин қилинади.


Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) да «Даромадлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб келиши ёки ўсиш йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларнинг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг қўпайиши, шаклида иқтисодий нафнинг ўсишидир» деб таърифлайди. Ўз навбатида «Харажатлар – бу ҳисобот даврида активларнинг оқиб кетиши ёки камайиши йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қўпайиши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларнинг уни тақсимлаши билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг камайиши шаклида иқтисодий нафнинг камайишидир»

Ушбу фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда даромад ва харажатнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги расмларда кўриш мумкин. Унда корхонанинг фаолият турлари, улардан олинadиган даромад ва шу даромадни олиш учун қилинган харажатлар келтирилган.

Энг аввало ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонасида даромад ва

харажатларни кўриб чиқиш мумкин. Ушбу корхона фаолиятида олинадиган

даромад ва харажатларнинг келиб чиқиш жараёни 1.1–расмда келтирилди.



1–расм. Корхона фаолиятидан олинадиган даромад ва харажатларнинг келиб чиқиш жараёни

Ушбу расмда кўриниб турибдики, харажатлар фаолият турига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади, натижада фаолият турига қараб даромад олади.

Кластер даромадлари ва харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олишни тадқиқ қилишда уларнинг структурасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кластер даромадларини ва харажатларини кўпчилик иқтисодчи олимлар турли хил белгиларга қараб таснифлайди.

Хўжалик юритувчи субъектларида даромад ва харажатлар ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусияти бор, мазкур кластер тизимидаги корхоналарда бир нечта фаолият турлари мавжудли. Кластерларда бухгалтерия ҳисобини, жумладан, молиявий натижаларни, яъни даромад, харажат, фойда ва зарарлар ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала бўйича ҳам олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кластерларда ҳисоб юритиш бошқа корхоналарга нисбатан сезиларли мураккаблик касб этади. Пахта-тўқимачилик кластерларида бу борада айниқса, даромад ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг

ҳисобини юритишда қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик соҳанинг ҳамма томонини ҳисобга олиш, содда қилиб айтганда “хомашёдан - тайёр маҳсулотгача” бўлган барча жараённи ҳисобини юритиш лозим.

Хар қандай хўжалик юритувчи субъектда даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг асосий вазифаси уларнинг миқдорини аниқлашдир. Даромад ва харажатлар миқдорини баҳолашнинг холислиги ва ҳаққонийлигига хўжалик битимларининг ноаниқлиги ўз таъсирини ўткази. Бу эса даромад ва харажатларни тан олиш вақти билан ҳисобот даврлари ўртасида даромад ва харажатлар ҳақидаги ҳисоб ахборотини тақсимлашга боғлиқлиги билан ифодаланади.

Қайд этиб ўтиш керакки, кластерда даромад ва харажатни тан олишдан мақсад уларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилиши ва якуний молиявий натижани тўғри аниқлашдир.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни акс эттириш (тан олиш) ҳисоблаш усулида амалга оширилмоқда. Шунингдек, халқаро амалиётда даромад ва харажатларни тан олишнинг касса усули ҳам мавжуд.

Тан олишнинг бу икки усули тўғрисида тўхталадиган бўлсак, уларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ҳисобга олишнинг касса усулида даромадлар маблағ келиб тушганда, харажатлар эса тўловлар тўланганда ҳисобга олинган. Бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тузиладиган молиявий ҳисоботларда мавжуд бўлган маблағлар тўғрисида маълумот шакллантирган. Хўжалик юритувчи субъектга олган даромад ҳисобидан солиқ тўлаш имкониятини берган, лекин, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун шароит яратиб бермаган.

Ҳисоблаш усули эса даромад ва харажатларни пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида эмас, балки келган даврда тушиши ёки пайдо бўлишига қараб бухгалтерия ҳисобида эътироф этади ва молиявий ҳисоботларда акс эттиради.

Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади [2].

Ҳисоблаш усули молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини ўтган даврда олинган ва тўланган маблағлар тўғрисида маълумот бериб қолмай, келажакда маблағларни тўлаш мажбуриятининг юзага келиши ёки маблағларнинг олиш имконияти юзага келиши тўғрисида маълумот беради. Шундай қилиб, у фойдаланувчиларга иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ўтган операциялар ва воқеалар тўғрисида маълумот билан таъминлайди.

Фикримизча, даромад ва харажатларни ҳисоблаш усули билан тан олиш қуйидаги афзалликларга эга:

1. Даромад ва харажатлари маълум бир вақтга боғланмасдан, ҳисобот

даврига боғланади, чунки хўжалик жараёни узлуксиз жараён;

2. Ҳар бир харажат маълум бир миқдордаги даромад олиш учун қилинади ва улар ўртасидаги боғлиқлик фақат ҳисоблаш усули билан кузатилиши мумкин;

3. Харажатларни вақт мобайнида тақсимлаш даромад олиш билан боғлиқ, сабаби даромад ва харажатлар боғлиқлиги ҳисобот даврида молиявий натижаларнинг тенг тақсимланишидадир;

4. Даромад ва харажатларни ҳисоблаш талаб ва мажбуриятларни юзага келиш вақтларини аниқлаш имкониятини беради.

Ҳисоблаш усулида даромад активлар кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши билан боғлиқ бўлган келажакдаги иқтисодий нафнинг ошиши юзага келса молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади. Бунда у аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу ҳақиқатда активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишининг тан олиниши билан бир вақтда содир бўлади.

Шунингдек, харажат ҳам ҳисоблаш усулида активлар камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлган келажакдаги иқтисодий нафнинг камайиши юзага келса молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади. Бунда харажат ҳам аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Харажат молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қилинган сарф ва олинган даромадни солиштириш орқали тан олинади.

Фикримизча, кластер даромадлари ва харажатларини тан олишда асосий эътиборни фаолият амалга оширилган вақтини тўғри аниқлаш ва тан олиш мезонларига қатъий риоя қилиш лозим.

Амалда бўлган меъёрий хужжатларда даромад ва харажатларни тан олиш мезонлари сифатида куйидагилар этироф этилган:

а) улар билан қўшилган ҳар қандай иқтисодий фойда субъект томонидан олиниш ёки сарфланиш эҳтимоли мавжуд бўлганда; ва

б) модда ишончли ўлчанадиган қиймат ёки баҳога эга бўлганда бухгалтерия балансида тан олиниши лозим.

Бу икки мезон бажарилса хўжалик юритувчи субъектлар даромад ва харажатлари тан олиниши керак. Ушбу мезонларнинг бухгалтерия ҳисобидаги аҳамияти шундан иборатки, агар улардан бири бажарилмаса, даромад ёки харажатни тан олиш токи ушбу мезонлар тўлиқ бажарилгунга қадар чўзилади. Шундан сўнг, даромад келиб тушган пул маблағлари қийматида, харажат эса тўланган суммада ўлчанади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий кўрсаткичларини тўғри аниқлаш даромад ва харажатларни тўғри таснифлаш билан бевосита боғлиқ.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ кластернинг хўжалик фаолияти натижасида оладиган даромадлари куйидаги асосий бўлимлар бўйича гуруҳланади:

1 - сотишдан олинган соф тушум;

2 - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари);

3 - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

4 - фавқулодда даромадлар.

Даромадларнинг бундай гуруҳланиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг турли хил фаолиятдан олинган даромадларини ҳисоботда алоҳида кўрсатиш зарурати билан изоланади. Бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти билан қизиқувчи

томонлар учун зарур маълумотларни шакллантириш имконини беради.

Кластер фаолиятининг соф молиявий натижасини аниқлаш учун, ҳисобот даврида қилинган барча сарф ва харажатлар тўғри тақсимланиши лозим.

Барча харажатлар, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар таннархига киритиладиган харажатларга ва таннархга киритилмайдиган, аммо давр харажатларига киритиладиган харажатларга бўлиниши зарур.

Давр харажатлари, солиқ тўлагунча бўлган фойдани ҳисоблашда инobatга олинади. Бундан ташқари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолият ва фавқулотда холат бўйича харажатлар ҳам алоҳида кўрсатилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар олиш билан боғлиқ харажатларни куйидаги гуруҳлар бўйича кўрсатиш мумкин:

1 - маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

2 - давр харажатлари;

3 - молиявий фаолият бўйича харажатлар;

4 - фавқулотда зарарлар.

Юқорида келтирилган даромад ва харажат моддалари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижаларини аниқлашда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳисобот давридаги айнан шу даромад ва харажатларнинг тўғри ҳисобга олиш фаолияти натижаларини аниқ ҳисоблаш имконини беради.

Натижалар. Хўжалик субъектларида молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини таъминлаш, молиявий натижалар кўрсаткичларини халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларнинг ишончилигини тасдиқлаш муҳим ҳисобланади. Чунки

Хўжалик субъектларида ишлаб чиқарилган якуний маҳсулот кўпроқ экспортга мўлжалланганлиги, уларнинг импортёрлар билан ҳамкорлик ўрнатиши муҳим.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш барча фойдаланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Бухгалтерия ҳисобига оид илмий–назарий адабиётларда молиявий натижа деганда кўпинча хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятнинг пировард иқтисодий якуни тушунилади.

Я.В.Соколов фикрича, молиявий натижа мураккаб категориялардан бири бўлиб, уни маълум бир ҳисобот даврида олинган фойда ёки зарар деб таърифлайди. Молиявий натижа ҳисобот даврида капитал қийматининг ўзгаришини кўрсатади. Агар у ортиб борса, фойда тўғрисида, камайса–зарар тўғрисида гап кетади [16].

Республикамиз иқтисодчи олимларининг фикрича, молиявий натижа бу, даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Жумладан, Ё.А. Маҳмудалиева ўзининг изланишида «фойда – даромад суммасининг қилинган харажатлардан ошган қисми» эканлигини қайд этади [17]. Ушбу таърифда молиявий натижа фойда эканлиги ва у даромад ва харажат ўртасидаги фарқ сифатида аниқланишини кўриш мумкин.

Молиявий натижага бундай қарашларни А.К. Полищукнинг фикр–мулоҳазаларида ҳам учратиш мумкин: якуний натижа – фойда ёки зарар – даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади [18].

Молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия

ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади [9].

Ушбу олимларнинг фикр мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда молиявий натижани даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ ва у фойда ёки зарар кўринишида бўлишини англаш мумкин.

Фикримизча, бундан кенг тарқалган модел вужудга келади, унга асосан даромадлар – бу кириб келувчи маблағлар оқими, харажатлар эса чиқиб кетувчи маблағлар оқими; фойда (зарар) – улар ўртасида вужудга келувчи фарқ, ва у балансда акс этиб уни ўзгартиради.

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу ёндошувлари молиявий натижани активлар ўсиши ёки маблағлар кирими ва чиқими оқимлари ўртасидаги фарқига олиб келади. Бу молиявий натижани тўлиқ ифодалаб бера олмайди, чунки ҳар қайдай маблағлар кирими ҳам даромад (фойда) ҳисобланмайди ёки маблағлар чиқими ҳам харажатни ифодаламайди. Масалан, пахта-тўқимачилик кластери таъсисчилари кўшимча бадал киритиш орқали устав капиталини кўпайтирди, бу албатда, кластер учун фойда эмас, шунингдек, кластер томонидан қилинган инвестициялар маблағлар чиқимини ифодаласа, у харажат эмас.

Молиявий натижалар тўғрисидаги аксарият олимларнинг фикр–мулоҳазаларида молиявий натижани фойда сифатида қарашларига дуч келдик, аслида эса бу ундай эмас. Агар молиявий натижани фойда сифатида эътироф этадиган бўлсак, унда молиявий натижа терминини умуман олиб ташлашга тўғри келади.

Ш.А.Пардаеванинг фикрича молиявий натижаларни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар, яъни даромад,

харажат ҳамда фойда категориялар [10]. Ушбу фикрда молиявий натижа асосан учта кўрсаткич бўйича ифода этилади. Лекин ушбу фикрда фаолият якуни салбий бўлган ҳолат, яъни зарар кўрсатиб ўтилмаган.

Молиявий натижа ижобий бўлган ҳолатдагина фойда тўғрисида гап юритиш мумкин, лекин, ҳар доим ҳам у ижобий бўлавермайди, салбий ҳам бўлиши мумкин. Салбий бўлган ҳолатда, яъни, даромадлар харажатлардан кам бўлганда зарар бўлади. Кластер фаолияти натижаси зарар билан чиқса, ўз олдига кўйган мақсадларни амалга ошира олмайди.

З.А.Умаровнинг фикрига кўра молиявий натижа – бу, фаолиятга комплекс баҳо берувчи ва содир бўлган иқтисодий жараёнларни ҳаққоний акс эттирувчи даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлардир [19]. Ушбу фикрга кўшилган ҳолда молиявий натижани маълум бир фаолиятни амалга ошириш натижасида юзага келишини қайд этиш мумкин.

Молиявий натижанинг салбий бўлган ҳолати, яъни, фаолият натижаси зарар билан чиқишини кўриб чиқсак. Зарар терминини кўпчилик иқтисодчи олимлар илмий изланишларида учратиш мумкин, улар бунга фақат йўқотиш сифатида ишлатиб келади. Шунингдек, зарар салбий якуний молиявий натижа сифатида кўрилиб, маълум бир ҳисобот даврида олинган даромадларнинг қилинган харажатларни қоплай олмаслиги тўғрисидаги фикрларни учратиш мумкин.

Мунозара. Хўжалик юритувчи субъектларнинг зарарсиз фаолияти унинг молиявий асосини мустаҳкамлайди ва аксинча, узоқ муддат мобайнида зарар билан фаолият кўрсатиши уларни муқаррар таназзулга олиб бориши

мумкин. Фикримизча, молиявий натижа фақат фойда ҳам, зарар ҳам эмас, сабаби улар фаолиятнинг якуний кўрсаткичи сифатида эътироф этилади. Хўжалик юритувчи субъект ҳар бир операцияни амалга оширганда маълум бир натижага эришади, бу – даромад ёки харажатдир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаси бошқа барча хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаси сингари аниқланади, лекин бунга соҳанинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш зарур бўлади. Тадқиқот натижаларига асосланиб молиявий натижани биз даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишида талқин этаяпмиз.

Фаолиятнинг якуний натижаси фойда ёки зарарни ҳисоб–китоб қилишнинг анъанавий шакли қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Фойда (зарар)} = \text{даромад} - \text{харажат (1.1.)}$$

Якуний молиявий натижани ушбу формула бўйича ҳисоб–китоб қилиш бошқарувчи, таъсисчи, молиявий бошқарув, таҳлил билан шуғулланувчи шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар учун керакли бўлган маълумотни бермайди. Шунинг учун молиявий натижани ҳисоб–китоб қилиш учун манфаатдор шахслар ўз тартиб–қоидаларни белгилайди. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижани асосан солиқ қонунчилигидан ва бухгалтерия ҳисоби стандартларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб–китоб қилади. Шунингдек, молиявий натижа молиявий бошқарув ва иқтисодий таҳлил мақсадларидан келиб чиқиб ҳисоб–китоб қилинади.

Ушбу фикр–мулохазаларга асосланиб молиявий натижани ҳисоб–китоб қилишнинг турли усуллари бор эканлиги ва улар ўртасида маълум бир фарқлар мавжудлигини биз қуйидаги молиявий натижаларни ҳисоб–китоб

қилиш тартибларида ҳам кўришимиз мумкин.

Хулоса. Хўжалик юритувчи субъектларда даромад ва харажатлар ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусияти бор, мазкур корхоналарда бир нечта фаолият турлари мавжудли. Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини, жумладан, молиявий натижаларни, яъни даромад, харажат, фойда ва зарарлар ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала бўйича ҳам олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кластерларда ҳисоб юритиш бошқа корхоналарга нисбатан сезиларли мураккаблик касб этади.

Ҳозирги кунда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиришда кўпгина камчиликлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботда камида тўртта кўрсаткич келтирилиши лозим: ялпи фойда, бошқа муомалалардан кўрилган фойда, солиқ чиқариб ташлангунга қадар бўлган фойда, солиқ тўлангандан кейинги соф фойда, бундан ташқари реализация ҳажми, реализация қилинган маҳсулот таннархи, фоизлар бўйича тушумлар ва инвестициялардан кўрилган даромадлар, чет эл валютаси операциялари бўйича кўрилган фойда ва зарарлар каби маълумотлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

1. Маҳсулотни сотишга нисбатан рентабеллик ўзгаришига сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўзгариши ва сотишдан олинган тушумлар суммасининг ўзгариши таъсир этса, асосий воситалар рентабеллигига корхона соф фойдасининг ўзгариши ва асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматининг ўзгариши, умумий рентабелликка бир сўмлик тушумга тўғри

келадиган соф фойда суммасининг ўзгариши, асосий воситалар қайтимининг ўзгариши ва моддий оборот маблағлар қайтимининг ўзгаришлари таъсир қилади.

2. Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисобининг асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланиб, хўжалик юритувчи субъектларда активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар, даромад ва харажатлар хусусида муҳим ахборотларни тақдим этади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот даврида олган фойдаси ёки кўрган зарфри тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда, субъект фаолияти самарадорлигини аниқловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради.

3. Маҳсулотларни сотишдан соф тушумларни 9011-“Тайёр маҳсулотларни сотишдан соф тушумлар” ҳамда 9012-“Ярим тайёр маҳсулотларни сотишдан соф тушумлар” номли алоҳида ишчи счётларида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали пахта-тўқимачилик кластерларида тайёр ҳамда ярим тайёр маҳсулотларни сотишдан соф тушумлар тўғрисида жорий ва жамланма бухгалтерия ахборотларини шакллантириш имконияти яратилади.

4. Сотилган маҳсулотларнинг таннархини 9111-“Сотилган маҳсулотларнинг таннархи” ҳамда 9112-“Сотилган ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи” номли алоҳида ишчи счётларида ҳисобга олиш зарур. Бу орқали корхоналарда сотилган маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг таннархи тўғрисида аналитик бухгалтерия ахборотларини шакллантириш, сотилган маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиб бориш

имконияти яратилади.

5. Асосий фаолият билан боғлиқ ҳолда оператив тарзда даромадни ҳисоблаш ва харажатларни назорат қилиб бориш учун маржинал даромадни аниқлаш зарур. Бу ўз набатида, пахта-тўқимачилик кластерларида асосий фаолият билан боғлиқ ҳолда маҳсулотлар ҳажмини бошқариб бориш, оператив даромадларни ҳисоблаш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўзгарувчан харажатларни назорат қилишга хизмат қилади.

6. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида пахта-тўқимачилик кластерларида молиявий натижаларни

“Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот кўринишида шакллантириш мақсадга мовофик. Ушбу тадбирларни амалга ошириш пахта-тўқимачилик кластерларининг молиявий натижаларини халқаро стандартлар талаблари асосида “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисобот шакли билан мослиги таъминланиб, хорижий инвесторлар учун зарур бўлган ахборотларни шакллантириш хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 2017 йил. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Янги таҳрири. 2016 йил 13 апрель ЎРҚ-404-сон. www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5853-сонли Фармони. www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Тошкент 2022 йил 20 декабрь йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2020 йил 21 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/4746047>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш бўйича Қарори. 1999 йил 5 февраль, 54-сон. www.lex.uz
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 986-сонли Қарори 2019 йил 12 декабрь, <https://lex.uz/docs/4640331>
9. Обидов Р.Р. “Кластер тизимида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)

диссертацияси автореферати. Т.: -2021.

10. Обидов Р.Р. Кластер тизимида бухгалтерия ахборотининг зарурияти // Молия ва банк иши электрон илмий журнали 2020 йил, V сон. сентябрь-октябрь.

11. Хакимов З. Тўқимачилик саноатида кластерларни шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги. Бизнес-эксперт журнали 2019 йил 4-сон. 4-б.

12. Ҳасанова Р.Б. Пахта-тўқимачилик кластерларида бошқарув сегментар ҳисоби ва ҳисоботи самарадорлигини аниқлашнинг услубий жиҳатлари//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil

13. Хоружий Л.И. и другие. Бухгалтерский учет затрат на производство и калькулирование себестоимости продукции в сельскохозяйственных организациях. М.: Издательство «Альфа-Прис», 2005. 224 с.

14. Narcheva I.V., Postnikova L.V., Makunina I.V., Mirontseva A.V., Gupalova T.N., Evgrafova L.V., Ukolova A.V., Kuznetsova E.I., Telegina Zh.A., Modern problems of information, accounting and financial support for sustainable development of agribusiness. Moscow, 2015, 163 p.

15. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий веб-сайти)

16. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учёта –М.: Финансы и статистика, 2000. – с. 441

17. Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2001. – б. 33.

18. Полищук А.К. Банковский учёт и отчетность. – М.: Институт международного права и экономики им. А.С. Грибоедова, 1998. – с. 205.

19. Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий–услубий масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: –2010, 24-б.